




ORIENTAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES

Journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>



HISTORY OF CISTERNS BUILT IN MOVAROUNNAHR AND KHURASAN PROVINCES DURING THE REIGN OF AMIR TEMUR AND THE TEMURIDS

Muazzam Mahmudova

Doctoral student of the department "Humanities"

"Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers" National Research University, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Sardoba, Great Silk Road, caravanserai, “Ajor ab anbari”, saroj solution, well.

Abstract: This article deals with the sardobas built in Mavarounnahr and Khurasan provinces during the reign of Amir Temur and the Temurids.

The article provides detailed information that the cistern is the most important water structure built on the Great Silk Road in the Middle Ages.

Received: 7.03.22

Accepted: 14.03.22

Published: 31.03.22

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МОВАРОУННАХР ВА ҲУРОСОН ВИЛОЯТИДА ҚУРИЛГАН САРДОБАЛАР ТАРИХИ

Муаззам Маҳмудова,

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти”
Миллий тадқиқот университети, “Гуманитар фанлар” кафедраси таянч докторанти,
Ўзбекистан*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Сардоба, Буюк ипак йўли, карвонсарой, “Ажор аб анбарий”, сарож эритмаси, қудук.

Аннотация: Ушбу мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннахр ва Ҳурсон вилоятида қурилган сардобалар ҳақида сўз боради.

Мақолада сардебанинг ўрта асрларда Буюк ипак йўлида қурилган энг муҳим сув иншооти эканлиги ҳақида атрофлича маълумот берилади.

ИСТОРИЯ ЦИСТЕРН, ПОСТРОЕННЫХ В ПРОВИНЦИЯХ МОВАРОУННАХР И ХОРАСАН В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ

Муаззам Маҳмудова,

*“Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”
Национальный исследовательский университет, Базовый докторант кафедры
“Гуманитарные науки”,
Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Сардоба, Великий шелковый путь, караван-сарай, «Аджор аб анбари», раствор сарож, колодец.

Аннотация: В статье рассматриваются сардобы, построенные в провинциях Мовароуннахр и Хорасан в период правления Амира Темура и Темуридов.

В статье представлена подробная информация о том, что цистерна является важнейшим водным сооружением, построенным на Великом шелковом пути в средние века.

КИРИШ

Буюк ипак йўли қадимдан Хитой, Ўрта Осиё ва Ўрта ер денгизи худудларида жойлашган мамлакатлар ҳаётида муҳим ўрин туттган. Амир Темур ҳокимиятни марказлаштиргач Буюк ипак йўли назоратини ўз қўлига олди. Буюк ипак йўлларида савдогарларнинг ҳордиқ чиқариши ва тұнаши учун карvonсаройлар қурилган. Савдоргарлар узоқ сафар мобайнида сув етишмаслигидан азият чекишган, шу сабабли савдо йўлларида ҳамда карvonсаройларда сардобалар қурилишига катта эътибор қаратилган.

Айрим карvonсаройлар қишлоқлардан олисда, сувсиз чўлу сахролардан ўтувчи карvon йўллари ёқасида жойлашган. Бундай ҳолларда сув таъминоти учун маҳсус ирригация иншоотлари қурилган. Шундай карvonсаройлардан бири куйидагича тавсифланади: Йўлда учраган катта уйда тунадик, у йўловчилар учун (маҳсус) қурилган, чунки бу ерда икки кунлик йўл масофасида ҳаддан зиёд иссиқ ва сув етишмаслиги сабабли ҳеч қандай турар жой йўқ. Карvonсаройга сув (бу ердан) бир кунлик йўлдаги жойдан ер ости қувурлари орқали келтирилади”[1;144].

АСОСИЙ ҚИСМ

Сардоба сўзи форсча сўз бўлиб, сард – совуқ, об – сув деган маънони билдиради[2;9]. Сардоба – қудук ёки ҳовуз устига пишган ғиштдан баланд қилиб, гумбазсимон шаклда қурилган иншоот бўлиб, унга зиналар орқали тушилади. Сардоба ичida ҳаво айланиши яхши бўлганлиги учун жазира маънни ичи салқин, суви ичи эса ниҳоятда муздек бўлган. Сардобалар асосан карvon йўлларида қурилган[3;96]. Рус шарқшуноси Жуковский сардобага (сув омбори) биринчи бўлиб таъриф беради, у “Эронда

(Хурросон) мавжуд бўлган музни бир неча йил давомида сақлайдиган музхонанинг бир тури” деб ўйлади. Архитектор Н. Бачинский ва В. Пилявский уни ғиштдан ясалган сардобалар деб таърифлаган[4;105]. Темурийлар йирик иншоотлар, бозорлар ва масжидларни шаҳарнинг одамлар зич жойлашган ерида қуришган. Сув омборлари, ҳовузлар ёки сардобаларда сақланган сувлар каналлар ва ер ости қувурлари орқали келтирилган, оқава сувлар учун канализация тизими мавжуд бўлган[5; 597-598].

Сардобанинг ташки қўриниши яхтангга жуда ўхшаш, шунинг учун дастлаб олимлар сардобра ва яхтангни фарқлай олишмаган бўлиши мумкин. Яхтанг сув кам бўлган худудларда қорни сақлаш вазифасини ўтовчи маҳсус ғиштдан қурилган музхона ҳисобланади. Сардобалар асосан сув танқис ҳудудларда қурилган ва кор-ёмғир, ер ости сувлари, ариқ сувлари билан тўлдирилган.

Амир Темур даврига оид сардобалар ҳакида манбаларда аниқ мълумотлар берилмаган бўлса-да, лекин Ўрта Осиёга ташриф буюрган сайёҳлар асарларида ва аҳоли томонидан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ривоятларда мълумотлар бор. Ривоятларга кўра, Амир Темур аскарларига доимо икки ёки уч донадан ғишт олиб юришни буюрган. Булок бўйларида дам олганда ўша ғиштлардан сардобра қурдириб, дам олиш учун маскан ҳозирлар экан. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Соҳибқирон Амир Темур фармони билан қурилган сардобалар Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жizzах вилоятларида аниқланган[6;40]. Амир Темур қўшинида мироблик илмини яхши билган мухандис саркарда ва аскарлар бўлиб, улар қўшинга олдиндан қудуқ қазиб қўйганлар ва улар қаердан қандай сув олиш сирларини ҳам яхши билганлар.

Рус ёзувчиси ва сайёҳи Евгений Марков Ўрта Осиёга саёҳат қилиб, ўз таассуротларини ёзиб қолдиради. Сайёҳ Мирзачўлда учта сардобага дуч келади, сардобаларнинг биттасидаги сув фойдаланишга яроқли бўлган, иккинчи сардобра қуриб қолган, учинчи сарdobанинг суви шўр эди. Сайёҳ сардобаларни Амир Темур даврида қурилганлиги тарихий манбаларда келтирилмаганлиги, сардобалар маҳаллий аҳоли томонидан Амир Темур томонидан қурилган деб тахмин қилинишини ёзиб қолдиради[7;442]. Мирзачўлда аҳён-аҳёнда қуриб қолган қудукни қоплаган гумбазли ғиштли бинолар(сардобра) учрайди. Ушбу сардобалар ривоятларга кўра Амир Темур ёки Абдуллахон томонидан қурилган[8;30].

Ў. Мавлонов “Ўрта Осиёning қадимги йўллари” монографиясида Фарғона водийсидан Тошкент ва Ҳўжанд орқали Самарқандни боғловчи йўлларда қурилган сардобалар ҳакида батафсил тўхталади. Муаллиф Чиноз ва Жizzах оралиғида жойлашган

Учтепа ҳудудида Амир Темур даврида қурилган Ёғочли сардобаси мавжудлигини ёзади[9;202]. Ёғочли сардобаси Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асаридаги маълумотга кўра Абдуллахон II фармони билан Тошкентта юриш даврида қурилган. Жиззахдан 35 км узоқликда, Сирдарё вилоятининг Гумбаз қишлоғида сардоба бор, уни маҳаллий аҳоли Ёғочли (ёғоч) деб атаган. Маҳаллий афсоналарга кўра, сардоба Амир Темур (1336-1405) даврида қурилган, кейин эса Абдуллахон II (1556-1598) фармони билан қайта тикланди[10;22-23].

Қашқадарё вилояти Касби туманида Ҳазрат Султон Мир Ҳайдар тарихий меъморий ёдгорликлари ансамбли бўлиб XI-XVI асрларда барпо қилинган. Ушбу ансамблда битта ёпиқ ва иккита очик сардобалар мавжуд бўлиб, ер остидан топилган сардоба қораҳонийлар даврига тегишли. Ер устида сақланган сардобалар темурийлар даврида қурилган. Ҳар иккала сардоба маҳаллий аҳолини сув билан таъминлаш билан бирга Касбига ташриф буюрган меҳмонларни тоза ичимлик суви билан таъминловчи муҳим манба бўлиб ҳизмат қилган[11;206].

Қарши шаҳрида Амир Темур қурдирган дея тахмин қилинган йирик сардоба бор. Баъзи манбалардаги маълумотларда сардоба Абдуллахон II томонидан бунёд этилган. Мазкур иншоотни ўргангандар археологлар сарdobанинг қурилишида фойдаланилган пишиқ ғиштларни Регистон майдонидаги пишиқ ғиштлар билан ўхшашлигини аниқлашган. Ушбу сардобада тўртта кириш жойи мавжуд бўлган, цилиндр кўринишидаги ички сув ҳавзасининг диаметри анча катта – 14 метр бўлиб, сардоба тубига 40 та зинадан тушилган. Сардоба гумбазининг баландлиги ер юзидан 7 метрдан ортиқни ташкил қиласи. Ривоятларга қўра, сардоба Соҳибқирон Амир Темур фармони билан қурилган, зарур бўлган қурилиш материаллари ҳашарчилар ёрдамида Самарқанддан қўлма-қўл қилиб келтирилган, сардоба ҳовузи Сирдарёдан сув олувчи Ўринбайариқ ташламаси ёрдамида тўлдирилган[12;39-40].

Темурийлар Ҳуросонда ҳам сардобалар қуришга катта аҳамият беришган. XV асрга тегишли шаҳар сардобасининг харобаси ҳозирги Туркманистоннинг Анау туманидаги Анау қадимий турар жой мажмуасида сақланиб қолган. Сув омбори цилиндричесимон бўлиб, усти гумбаз билан қопланган, сув олиш учун зина орқали пастга тушилади. Сардобадаги максимал сув ҳажми 2000 кубометрни ташкил қиласи. Архитектура нуқтаи назаридан, карvon йўллари бўйлаб қурилган сардобаларнинг аҳамияти юқори эди[13;50].

Язд шаҳрида (Эроннинг марказий қисми) жойлашган Амир Чакмоқ масжида, Масжиди Нов деб ҳам аталади. Ушбу мажмуа мадраса, хонқа (сўфийлар ёки дарвешлар

учун ётоқхона), карвонсарой, қанот ва об анбарлар (ер ости канали ва сув омбори), ҳаммом, жамоат майдони, бозордан ташкил топган. Ҳозирги кунда асл мажмуада фақат масjid, майдон ва бир неча гидротехник иншоотлар сақланиб қолган. Масжиднинг қурилиши 1436-1437 йилларда темурийлар ҳукмдори Султон Шоҳруҳ даврида Яздада ҳокимлик қилган Жалолиддин Чақмоқ Шомий томонидан бошланган ва бир неча йил ўтгач, унинг хотини Биби Фотима Хотиннинг фаол ҳомийлиги билан бир қанча ёрдамчи иншоотлар қуриб битказилган[14;143].

Сардобалар кучли сув босимиға ҳамда зилзилаларга бардошли бўлиши керак эди. Кориз сувлари туннеллар орқали сарdobанинг сув омборига оқиб келади. Сардобанинг қалин ғишт деворлари сакланаётган сувнинг исиб кетиши ва совиб кетишини олдини оладиган изоляторлар эди. Сув омбори деворининг қалинлиги икки метр бўлиб “Ажор аб анбарий” деб номланган маҳсус пиширилган ғиштлардан қурилган. Эронда сардобалар қурилишида асосан сарож материалидан фойдаланилган. Сарож қум, лой, тухум оқи, оҳак, эчки жунидан ва қулдан маҳсус нисбатда тайёрланган ва сув ўтказмасликка жуда чидамли бўлган маҳсус аралашма ҳисобланади[15;13585].

Темурийлар даврида Эроннинг ҳозирги Язд вилоятида ёзниң иссиқ кунларида муздек сув сақланадиган сув қудугини қуришга ва ундан фойдаланишга қўпроқ эътибор қаратилди. Ушбу қудуқлардан барча умумий фойдаланган ва сувга бўлган эҳтиёжини қондирган[16;281]. Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда маҳаллий аҳоли хонадонларида қудуқ мавжуд бўлган, аҳоли қудуқ сувларидан истеъмол учун фойдаланган. Демак, темурийлар Эрон ва Ҳурросон ҳудудларида иқлимнинг иссиқлиги туфайли қудуқлар қазишга катта эътибор қаратган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, сардобалар ўрта асрларда Мовароуннаҳр ва Ҳурросон вилоятининг мураккаб гидротехник сув иншооти бўлиб карвонсаройдаги йўловчиларни, сувсиз ҳудудлардаги ахолини, чорва молларини сув билан таъминлашга ҳизмат қилган. Сардoba сувлари иссиқ кунларда ўзининг совуқлиги билан жуда қадрли бўлган. Ушбу сардобаларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган. Ҳозирги кунда ҳам сувсиз ҳудудларда сардобалар қурилишига аҳамият берилса фойдадан холи бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Темур ва Улугбек даври тарихи. – Тошкент: Қомуслар, 1996. – Б. 144.
2. Массон М. Проблема изучения цистерн-сардoba. – Ташкент: Издание Комитета наук при СНК, 1935. – С. 9.

3. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 96.
4. HerrmannG., KennedyH. Monuments of Merv traditional buildings of the Karakum. –London: The Society of Antiquaries of London, 1999. – P. 105.
5. Allchin R., Hammond N. The archaeology of Afghanistan from earliest times to the timurid period. – Edinburgh: Edinburgh University Press Ltd, 2019. – P. 597-598.
6. Дўстназарова С., Хасанов А. Сардоба – ўрта асрлар асл мўъжизаси // Экология хабарномаси, № 6. – Тошкент: ECO TEXTILE PRODUCT, 2020. – Б. 40.
7. Марков Е. Россия в Средней Азии. Очерки путешествия по Закавказью, Туркмении, Бухаре, Самаркандской, Ташкентской и Ферганской областям, Каспийскому морю и Волге. Том I. – Санкт – Петербург: Тип. М.М. Стасюлевича, 1901. – С. 442.
8. Россия. Полное географическое описание нашего отечества: Настольная и дорожная книга для русских людей. Том XIX. Туркестанский край. – Санкт-Петербург: А.Ф. Девриена, 1913. –С. 30.
9. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 202.
10. Новик П. Сардоба Мавераннахра. – Ташкент: Baktria press, 2017. – С. 22-23.
11. Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота маноқиби. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 206.
12. Дўстназарова С., Хасанов А. Сардоба – ўрта асрлар асл мўъжизаси // Экология хабарномаси, № 6. – Тошкент: ECO TEXTILE PRODUCT, 2020. – Б. 39-40.
13. Пугаченкова Г. Зодчество Центральной Азии. XV век. – Ташкент: Гафур Гулям, 1976. – С. 50.
14. KhazaeeM. Influence of timurid architecture on safavid and mughal mosques in India // Doctor of Philosophy, Faculty of Bulit Environment University of Malaya. – Kuala Lumpur, 2015. – P. 143.
15. SaeidianA. Ab-anbar, sustainable traditional water supply system in hot arid regions, remarkable example of Iranian vernacular architecture // Elixir Sustain. Arc. 56A (2013). Elixir Sustain. Arc. 56A, 2013. – P.13585.
16. Bashmahaleh M., GhassemiS. Water reservoirs (āb anbār) of Yazd city with the perspective of saving energy consumption Case study: (six-windcatcher Water reservoir in Yazd, five windcatcher Water reservoir in Yazd) // Teknologi Tanaman/Vol(12), 2015. – P. 281.